

Кел, анда Жабройил, Аршни супургил,
Анда мехмон бўлгали Расулуллох келадур.

«Мазо — ал басар» кўзлик, «шамс —уз зухо» юзлик
Хаммадан ширин сўзлик, Расулуллох келадур.

Моликларгаму айтинг, дўзах эшигин ёпсин,
Бошларига дур сочсин, Расулуллох келадур.

Гилмонларгаму айтинг, жаннат эшигин очсин,
Йўлларига кўз тутсин, Расулуллох келадур.

Шамолларгаму айтинг, сайр этишини кўйсин,
Беадаблик килмасун, Расулуллох келадур.

Дарёларгаму айтинг, мавж уришини кўйсин,
Олдида соков бўлсин, Расулуллох келадур.

Азройилгаму айтинг, жон олишини кўйсин,
Хизматда муқим турсин, Расулуллох келадур.

Уфкул мақомига бориб йиглайди Жабройил:
«Бундан ўтсам, ё Расул, канотларим қуядур».

Махшар куни бўлганда йигилур -халойиклар
Расулуллох кейнидан Машраб каландар келадур.

Шарх; Расулуллох (с.а.в.) келадир

Ё Жабройил алайхиссалом, хозирлик кўрингки, инсонларнинг сарвари Мухаммад Мустафо (с.а.в.) арши аъло сари мехмон бўлгани келмоқдалар. Басирот кўзлари кундек равшан, юзлари тонг шафакидек покиза, халийм ва сўзлари жозиб Расулуллох (с.а.в.) келадилар. Ё Жабройил алайхиссалом дўзах кўрикчилари малоикаларга айтинг: улар ҳам дўзах эшиklarини ёпиб, ўз вазифаларини бир дам унутсинлар ва Аллохнинг сеvimли пайгамбари (с.а.в.) бошларидан дури гавхарлар сочсинлар. Гилмонларга айтингки, жаннат эшиklarини ланг очсинлар ва интизор кўзларини ул муборак зот йўлларига тиксинларки, бу меърож тунини ёритиб Хабибуллох (с.а.в.) келмоқдалар. Бебош шамоллар ҳам бир зум сукут ичра котсинлар. Беадаблик килиб, увилламасинлар. Дарёлар шовуллаб мавжланишини бас килсин. Азроил алайхиссалом ўзларининг аввалу охир вазифалари — жон олишидан тийилиб, хизматда муқим турсинларки, Расулуллох (с.а.в.) хузури олийга келмоқдалар. Зеро, Аллох хузурида хозир бўлиш малойиклар, инсу жинс орасида факат Мухаммад алайхиссаломгагина насиб этмишдир. Хатто Жабройил

алайхиссалом каби буюк фаришта хам Сидратул Мунтахо остонасида "Бундан нари ўтсам, канотларим куяди", дея юм — юм йиглайди. Махшар куни жами халойик йиглаган куйи у зотга эргашурларки, девона Машраб хам шуларнинг биридир.